**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида**

# ҲИСОБОТ

(2014 йилнинг май ойи ҳолатига)

| т/р | Дастур бандлари т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Бажарилган ишлар | Қилинган сарф-харажатлар: Режа минг сум | Қилинган сарф-харажатлар: амалда минг сум | Шундан: Бюдж | Шундан: Бажар-лар | Шундан: хомий | Шундан: Банк кред | Шундан: ХМИ ва грант | режага % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2133-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом бола йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси мажлисининг 38-сонли баёнида белгиланган чора-тадбирларини ижрога қаратиш | 2014 йил февраль | Миллий кутубхона директорининг 05.03.2014 й. 35-сон буйруғи, 05.03.2014 й. тасдиқланган чора-тадбирлар Режаси | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 2. | 76. | Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг молиявий қўллаб-қувватлаш билан ”Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини босқичма-босқич амалга ошириш | | Корея Республикасининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармасининг молиявий қўллаб-қувватлаш билан ”Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳаси бўйича техник-иқтисодий ҳисоб (ТИҲ) ишлаб чиқилди; | 85150,0* | 2554,5 | | | | | | |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ТИҲ экспертизадан ўтказиш Архитектура ва қурилиш Давлат қўмита-сига, Иқтисодиёт, Молия ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвеститциялар ва савдо вазирликларига кўриб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш бўйича 03.03.2014й. 01-02/190-сон хат билан киритилди. | 1721,2 | 258,18 | 258,18 | | | | | |
| 3. | 82. | Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларнинг интеллектуал, ижодкорлик салоҳиятини ривожлан-тиришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш:<br><br>“Соғлом бола, соғлом она – соғлом келажак” методик-библиографик қўлланма | 2014 йил I-II чорак | Мавзу бўйича республикада чоп этилган китоблар, газета ва журнал мақолалари йиғилиб, “Соғлом бола, соғлом она – соғлом келажак” номли методик-библиографик қўлланма тайёрланди. | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 4. | 82. | “Эртаклар – яхшиликка етаклар” мавзуида болалар расмлари танлови | 2014 йил март | Тошкентдаги Гёте инсти-тути билан ҳамкорликда “Китобдан расм ва фотосуратларга қараб интилиш” шиори остида “Эртаклар – яхшиликка етаклар” мавзуида бола-лар расмлари танлови ўтказилди. Танловга расмлар 2 ой давомида | - | - | - | - | - | - | - | - |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | “Болалигим - пошшолигим” Дил изҳорлари танлови | | қабул қилинди ва 20.03.2014й. танлов якунига етди, танлов ғолиблари тақдирланди.<br>28 март куни Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан кутубхона фойдаланувчилари ўртасида “Болалигим пошшолигим” Дил изҳорлари танлови ўтказилди. Шеърлар тарзида ўтказилган ушбу танлов ғолиблари Миллий кутубхона томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. | | | | | | | | |
| | 82. | 1-июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Болажонлар куни” тадбирлари | 2014 йил май | 30 май куни Миллий кутубхонада 1-июнь Халқаро болалрни ҳимоя қилиш куни муносабати билан “Болажонлар куни” деб эълон қилиниши муносабати билан бир қатор тадбирларни ташкил қилиш режалаштирилган:<br>“Севимли ўйинчоғингни совға қил” Акцияси, “Олам болалар | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | нигоҳида” номли болалар расмлари кўргазмаси, “Беғубор болалик” номли болалар фотосуратлар танлови ҳамда “SOS болалар шаҳарчаси” ҳамкорлигида адабий-мусиқий тадбир, Республика Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида болалар рақслари, Ўзбекистон Санъат ва маданият институти ҳамкорлигида қўғирчоқ театри томошалари намойиши. | | | | | | | | |
| | 82. | “Баркамол авлод – юртимиз фахри” лойиҳаси | 2014 йил май | Ўзбекистон Миллий кутубхонаси “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамоа жамғармаси билан ҳамкорликда педагогларни таълим жараёнларида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни жорий қилишда ижодий ташаббусларини ва ижодкор ёшларни қўллаб қувватлаш мақсадида “Баркамол авлод – юртимиз фахри” | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳридаги 64-мактабда фаолият юритаётган Кичик мактаб Академияси ўқувчиларини илмий ишлари ҳимоясини (“Сув – ҳаёт манбаи”, “Жаҳонни ёритган ёғду”, “Қуёш”, “Египетдаги ўзбек сулолалари”, “Сирли ва ажиб Моцарт” мавзуларида) ўтказди. | | | | | | | | |
| | 82. | “Бутунжаҳон оила куни” муносабати билан “Ҳуқуқий маданиятли оила – фуқаролик жамиятининг таянчи” мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси | 2014 йил 22-май май | Миллий кутубхона “Оила” илмий-амалий маркази, “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди билан биргаликда 14 май куни “Ҳуқуқий маданиятли оила – фуқаролик жамиятининг таянчи” мавзусида Республика илмий-амалий конференциясини ташкил қилди. | | | | | | | | |
| 5. | 82. | Ўзбекистон Миллий кутуб-хонасининг ўқув залларида “Соғлом бола йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича босма нашрлар кўргазмасини ташкил қилиш | Йил давоми да | Миллий кутубхонанинг “Тафаккур” ўқув залида “Соғлом бола йили” муносабати билан “Соғлом бола – юрт келажаги” мавзусида адабиётларнинг очиқ | - | - | - | - | - | - | - | - |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кўргазмаси ташкил қилинди. | | | | | | | | |
| 6. | 82. | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб ҳунар - таълими марказига қарашли муассасалар ва Камалак ёшлар ижтимоий ҳаракати “Камалак” ўқувчиларини Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолияти билан таништириш (саёҳатлар) | Йил давоми да | Январь-апрель ойларида Миллий кутубхона фаолияти билан танишиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 10 та мактабдан 269 ўқувчи, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидаги 4 та академик лицейдан 142 ўқувчи, 7 та касб-ҳунар коллежидан 218 ўқувчи, Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар “Камалак”фаолларидан 100 ўқувчилар ташриф буюрди. Жами 729 ўқувчи экскурсияда қатнашди. | | | | | | | | |
| 7. | | Central Asia – 2014 VIII Халқаро конференцияси доирасида “Ахборот-кутубхона муассасаларида болалар ва ёшларни мутолаага жалб қилишнинг янги йўналишлари ” мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди. | | 2014 йилнинг 22-26 апрель кунлари Қарши шаҳрида ўтказиладиган “Central Asia – 2014” VIII Халқаро конференцияси доирасида 23 апрель куни “Ахборот-кутубхона муассасаларида болалар | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ва ёшларни мутолаага жалб қилишнинг янги йўналишлари” мавзуида ташкил қилинган давра-суҳбатида 10 маъруза тингланди. Маърузалар маҳаллий мутахассислар ва Москва вилояти давлат болалар кутубхонаси (Россия), Караганда вилояти ўсмирлар кутубхонаси (Қозиғистон) мутахассислари томонидан қилинди. | | | | | | | | |
| | | Мутахассис-ходимларни жисмоний имкониятлари чекланган фойдаланувчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни олиб бориш бўйича ўқув курслари | | БМТнинг тараққиёт дастури билан ҳамкорликда 4 ой давомида имконияти чекланган (кар ва соқов) фойдаланувчилар билан кутубхона мутахассисларини мулоқот қилишни йўлга қўйиши мақсадида, “Имо-ишоралар тили” (Язык жестов) бўйича ўқув курслари ташкил қилинди ва 8 нафар мутахассис сертификатларга эга бўлди. | - | - | - | - | - | - | - | - |

* Миллий кутубхонанинг бюджетдан ташқари маблағларидан